ФАРҒОНАДА “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ОИЛАСИ” МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги вилоят театр-концерт саройида вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ташаббуси билан “Янги Ўзбекистоннинг янги оиласи” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбирда вилоят Оила ва Хотин-қизлар бошқармаси ва унинг туман-шаҳар бўлимлари раҳбарлари, туман-шаҳар имом-хатиблари, отинойилари, “Оқила аёллар” ҳаракати туман-шаҳар раҳбарлари, ФҲДЁ бўлими мудиралари ҳамда оила қуриш остонасида турган ёш йигит-қизлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринбосари – вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова “Мақсадимиз ажримлар бўлмасин, жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилмасин. Қизлар тушган жойларида турмуш ўртоғининг яқини ва қариндош-уруғини ҳурмат қилишни ўз бурчи, садоқат белгиси деб билсинлар, оила қуриш остонасида турган ўғил болалар оилани муқаддас даргоҳ деб аёлига, оила аъзоларига эътиборли ва масъулиятли бўлишини истаймиз” деган фикр билан учрашувнинг мақсад-моҳиятини тушунтириб берди.

Иштирокчилар эътиборига Тошлоқ тумани бош имом хатиби Шукурулло Эгамбердиевнинг “Исломда оила муқаддас”, вилоят бош отинойиси Ҳилолахон Комилованинг “Қайнона ва келин муносабатларида миллий қадриятларимизнинг ўрни”, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулчеҳра Жўраеванинг “Келиннинг янги оилага мослашуви – шахслараро муносабатлар”, вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи Санжарбек Йўлдашевнинг “Оилада эр ва хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари” мавзусидаги маърузалари тақдим этилди.

Тадбир сўнгида қатнашчилар томонидан берилган таклиф, мулоҳаза ва саволларга мутасадди вакиллар жавоб ва муносабат билдирдилар.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2022-08-26 21:39:26